

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2024 йил сентябрь ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг, очик суд мажлиси, Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси биносида бўлиб, судья Б.Алиқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Мукумовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Очилов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси – адвокат К.Набиев, фуқаровий даъвогар И.Тилавовнинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-2101-2401/265-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш хужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]), 1966 йил 26 январь куни Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2013 йил 23 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, судланган ҳолати тугалланган, “Ванғози бунёдкор” МЧЖ раҳбари, Қизилтепа тумани “Тошмачит” МФЙда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, иш бўйича айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 26 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED], 2011 йил 21 ноябрда Қизилтепа туманида “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб, ташкил топган кундан бугунги кунга қадар жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тўлиқ ўзи амалга ошириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламаслик мақсадида 2021-2023 йилларда солиқ қонунчилиги билан белгилаб берилган нормаларга амал қилмасдан, 2023 йил давомида терговда аниқланмаган шахслардан нақд пул эвазига сотиб олиб, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг балансига тегишли тартибда кирим қилмасдан ва ҳисоботларда акс эттирмаган ҳолда, қўшилган қиймати солиғисиз жами 10 турдаги 533 млн. 40,2 минг сўмлик



кирим қилинмаган товарларни реализация қилиб, 2023 йилги фойда солиғи ҳисоботларида ушбу даромадларни қайд қилмасдан, 15 фоиз ставкасида жами 79 млн. 956 минг сўмлик фойда солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Бундан ташқари, [REDACTED], ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, солиқ органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда ҳамда солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб, яъни солиқ базасини яшириш, хусусан товарларни (хизматлар) реализация қилишдан олинган тушум суммасини қасддан ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш мақсадида, жамият томонидан 2023 йилда қўшимча қиймат солиғисиз 9 млрд. 469 млн. 580,1 минг сўмлик товарлар реализацияси амалга оширилганлиги, баланс солиқ ҳисоботининг 180-сатрида 2024 йил 1 январь ҳолатига 4 млрд. 19 млн. 757,27 минг сўмлик қолдиқ товарлар қолганлиги ҳақида ҳисоботлар тузиб келиб, амалда эса 2023 йил якунида 9 млрд. 47 млн. 982,6 минг сўмлик товар қолдиғи мавжуд бўлса-да, 5 млрд. 28 млн. 225,3 минг сўмлик товарлар нақд пулга реализация қилиб, ҳисоб-фактура ва онлайн назорат касса машина чеклари расмийлаштирмасдан ва ушбу реализацияларни солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан, Солиқ кодексининг 237-238-моддалари талабларига зид равишда солиқ ҳисоботларида 5 млрд. 28 млн. 982,6 минг сўмлик товар ва хизматлар реализациясини камайтириб кўрсатиб, солиқ солиш базасини яширганлиги оқибатида жами 603 млн. 387,4 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, [REDACTED] ўзининг умумий қасд билан қамраб олинган жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг раҳбари сифатида жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тўлиқ ўзи амалга ошириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламаслик мақсадида, 2023 йилда солиқ қонунчилиги билан белгилаб берилган нормаларга амал қилмасдан, солиқ ҳисоботларида қолдиқ сифатида кўрсатиб келган жами 3 млрд. 97 млн. 490,4 минг сўмлик товарлар мавжудлиги 2024 йил 25 апрелда жамиятнинг омборхонасида санокдан ўтказилганида, 30 турдаги маиший техника, 18 турдаги турли хил қурилиш маҳсулотлари ва 1 турдаги ун маҳсулоти жами 49 турдаги 3 млрд. 97 млн. 490,4 минг сўмлик юқори ликвидли товар-моддий бойликларни терговда аниқланмаган шахсларга нақд пул эвазига сотиб, сотувдан тушган пул маблағларини банк муассасасига кирим қилмасдан, ушбу реализациялар амалга оширилганлиги бўйича ҳисоб-фактура ва онлайн назорат касса машина чеклари расмийлаштирмасдан ва солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан, Солиқ кодексининг 237-238-моддалари талабларига зид равишда солиқ ҳисоботларида 3 млрд. 97 млн. 490,4 минг сўмлик товар ва хизматлар реализациясини кўрсатмасдан, солиқ солиш базасини яшириши натижасида 371 млн. 698,8 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.



Бундан ташқари, [REDACTED] умумий қасд билан қамраб олинган жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг раҳбари сифатида жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тўлиқ ўзи амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари”нинг 189-банди, 2011 йил 17 ноябрдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қўпол равишда бузиб, 2023 йил ва 2024 йилнинг 1 апрелига қадар бўлган давр мобайнида жамият томонидан жами 8 млрд. 658 млн. 755,9 минг сўмлик юқори ликвидли товар ҳисобланган маиший техника ва қурилиш моллари тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотилган бўлса-да, ушбу реализация қилинган товарлар учун чек бермасдан ва назорат-касса машинасидан ўтказмасдан, сотувдан тушган нақд пул маблағларини жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у “Ванғози Бинафша” МЧЖни 2011 йилда ташкил қилиб, жамият раҳбари сифатида ўзи ишлаб келаётганлиги, ўзи жамиятнинг таъсисчиси эканлиги, жамият асосан улгуржи ва чакана савдо билан фаолият олиб боришини, жамият ҳисобчиси лавозимида расмий маълумотларда кўрсатилмаганлигини, ҳисобчи вазифасини ҳам ўзи бажариб келиши, МЧЖда ўтказилган текшириш бўйича 2024 йил 29 апрелдаги солиқ аудити далолатномасига асосан “Ванғози Бунёдкор” МЧЖ фойда солиғи бўйича 2022 йилда 79 млн. 956 минг сўм, қўшилган қиймат солиғи бўйича 2023 йил учун 603 млн. 387,4 минг сўм, 2024 йил учун 371 млн. 698,8 минг сўм жами 1 054 837,9 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланганлиги, у ҳақиқатдан ҳам 2022 йилдан 2024 йилга қадар юқори ликвидли бўлган товарларни сотиб олиб, уларни нақд пулларга сотиб юборганлиги, ушбу таворларни ҳисоботларда кўрсатган тақдирида улардан қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиқлари ҳисобланиб, у томонидан тўланиши лозим бўлганлиги, у ушбу ҳолатда нақд пулга ва кирим қилинмаган товарларни сотиб касса машинасига кирим қилмасдан банк муассасаларига топширмасдан товарларни сотишдан тушган нақд пулларни ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлиги, шунингдек, у раҳбарлик қилиб келаётган “Ванғози Буёндкор” МЧЖга жиноят иши доирасида тайинланган тафтишда жами 1.054.837,9 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланган ушбу қўшимча ҳисобланган солиқ тўловларини тўлаб берганлигини, бундан ташқари жамиятда жуда катта товар айирбошлаш бўлганлиги сабабли солиқ ҳисоботларига хатоликка йўл қўйилганлиги, келгусида бу камчиликларга йўл қўймаслигини, у 2022 йил ва 2023 йилларда тахминан 5 млрд. сўмдан ортиқ бўлган товарларни Тошкент



шаҳрининг турли бозорларидан ўзининг нақд пулига сотиб олиб келганлиги ва ушбу товарларни у Навбахор туманидаги омборхонасида сақлаганлиги, шундан сўнг у ушбу товарларни ўзининг раҳбарлигидаги “Ванғози Бунёдкор” МЧЖнинг устав фондини шакллантиришни режалаштирганлиги, лекин вақти бўлмаганлиги сабабли, ушбу ишлар орқага сурилиб келганлиги, у сотиб олиб келган ва жамиятнинг Устав фондига кирим қилиниши лозим бўлган товарларини пул керак бўлиб қолганлиги сабабли, пул қўчириш орқали сотишни бошлаганлиги ва ушбу сотилган товарлар ҳисобидан у солиқ ҳисоботларидан яширмасдан қўшимча қиймат солиқларини тўлаб келганлиги, агарда у ушбу товарларни кирим қилмасдан туриб сотмоқчи бўлганида, қўшимча қиймат солиғини тўламаган бўлишини, у 5 млрд. сўмлик товарларни кейинчалик кирим қилмоқчи бўлганлиги, фойда солиғи ҳақида тушунмаганлиги, қўшимча қиймат солиғини тўлагани учун бошқа тўловлар бўлмаса керак деб ўйлаб, ушбу товарларни жамиятнинг ҳисоб рақамидан пул келиб тушганлиги сабабли сотганлиги, у қилаётган ишларини қонуний деб ўйлаганлиги, у мазкур товарларни жамиятнинг устав фондига кирим қилиши кераклигини тушуниб февраль ойида сотиб олинган товарларни ва бир донада қолган товарларни баҳолатиш мақсадида 2024 йил 17 февралда “Баҳоловчи экспертлар” МЧЖ раҳбари С.Хамдамовга мурожаат қилиб, сотиб бўлган товарларини баҳолаб беришини сўраганлиги ва баҳолатиш шартномаси имзолаганлиги, 2024 йил 23 февралда баҳолаш ҳисоботини Навбахор туман Давлат хизматлари орқали ўзининг “Ванғози Бунёдкор” МЧЖнинг устав фондини 5 млрд. 8.6 млн. 30 минг сўмга тўлдирганлиги, у жиноят иши бўйича етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслиги, унга нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар И.Тилавов суд мажлисида, у вилоят прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан бўлган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши бўйича Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан уни ишончнома асосида фуқаровий даъвогар тариқасида жалб қилиш учун юборилганлиги, жиноят иши тергови давомида тайинланган ҳужжатли тафтиш давомида “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖ мансабдор шахслари томонидан 2023-2024 йиллар давомида жами 1 млрд. 054 млн. 837,9 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлиги аниқлангани, мазкур жиноят иши доирасида “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖ мансабдор шахслари томонидан 1 млрд. 054 млн. 837,9 минг сўм вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўлаб



берилгани, ушбу пулларни солиқ органининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Жўраев ўз кўрсатмаларида қуйидагиларни, у Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармасида солиқ аудити бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 январдаги 1-сонли қарори ҳамда Солиқ кодексига асосан солиқ аудитини ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказиш ва бошқалар кириши, у ва Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси тафтишчиси З.Шаропов билан биргаликда Навоий вилоят прокуратурасининг мазкур жиноят иши юзасидан тайинланган тафтишда қатнашиш учун “Вангози бунёдкор” МЧЖнинг охириги 3 йиллик давридаги молиявий фаолиятида, жамиятнинг банк айланмаси таҳлили ва солиқ ҳисоботлари, электрон ҳисобварақ-фактуралари таҳлили асосида Солиқ кодексининг 140-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли Қарорига асосан текшириш ўтказганлиги, “Вангози бунёдкор” МЧЖ таъсисчисининг 2011 йил 21 ноябрдаги 1-сон умумий йиғилиш баённомаси билан ташкил этилганлиги, Навоий вилоят Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2016 йил 28 июнда 1377-сонли реестр билан рўйхатдан ўтказилгани, Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан “Вангози бунёдкор” МЧЖнинг Уставини 5.189.709.817 сўмга 100 фоиз улуш билан Ё.Отакулов номига расмийлаштирилгани, жамиятда текширилган даврда раҳбар лавозимида Ё.Отакулов ишлаб келаётганлиги, жамиятда ҳисобчи лавозими кўзда тутилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли “Халқ хўжалигидаги ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун жамият ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони талаблари ижросини жамият раҳбари томонидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатлар текширувга тўлиқ тақдим этилмаганлиги ҳамда жамият раҳбари Ё.Отакуловнинг берган тушунтиришига кўра, 2024 йил 27 март ҳолатига дебитор ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслигини билдирганлиги, солиқ аудитида 2023 йил ҳисобварақ-фактура дастуридан олинган маълумотларга асосан ўтказилган таҳлилда, жамият томонидан 10 турдаги қўшилган қиймат солиғисиз жами 533.040,2 минг сўмлик кирим қилинмаган товарларни сотилганлиги аниқлангани, ушбундан келиб чиқиб, 533.040,2 минг сўмга белгиланган 15 фоиз ставкада 79.956,0 минг сўм фойда солиғи ҳамда Солиқ кодексининг 223-моддасига мувофиқ яширилган (камайтириб кўрсатилган) ёки кирим қилинмаган товарларга 533.040,2 минг сўмлик солиқ базасидан 20 фоиз 106.608,0 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тавсия этилгани, текширишда жамият томонидан 2022-2023 йилларда кирим қилинмаган товарлар бўйича 2024 йил 23 февралда 2394037-сонли реестр рақамли Устав капитали орқали “Баҳоловчи Экспертлар” оилавий корхонасининг 2024 йил 21 февралдаги 02/004-МО-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 5.086.030,0 минг сўмга баҳоланган [REDACTED] га тегишли бўлган товар-моддий бойликлари ҳисобидан



шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганлиги, жамиятга 2021 йил 1 февралдан қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисида 312080144941-сонли гувоҳнома берилгани, жамият томонидан 2021 йил якуни билан солиқ органига тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботига кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти жами 21.739,1 минг сўмдан 15 фоиз ставкадаги ҚҚС суммаси 3.260,9 минг сўмни қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиб, ҳисобот тақдим этилганлиги, жамият томонидан 2022 йил якуни билан солиқ органига тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботига кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти жами 1.193.783,9 минг сўмлик товар хизматлар реализация қилинганлиги акс эттирилганлиги, жамият томонидан 2023 йил якуни билан солиқ органига тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботига кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти жами 9.469.580,1 минг сўмлик товар хизматлар реализация қилинганлиги акс эттирилганлиги, ўтказилган солиқ текширувида баланс солиқ ҳисоботининг 180-сатрида 2024 йил 1 январь ҳолатига 4.019.757,27 минг сўм кўрсатиб ҳисобот тақдим этилганлиги ҳисоб-фактура дастури орқали таҳлил қилинганида, ҳисоб-фактура бўйича 2023 йил охирига 9.047.982,6 минг сўмлик товар қолдиғи мавжудлиги аниқланганлиги, натижада 5.028.225,3 минг сўмдан 12 фоиз ставкада 603.387,4 минг сўм қўшилган қиймат солиғи қўшимча ҳисоблаш тавсия этилгани, Солиқ кодексининг 223-моддасига мувофиқ яширилган (камайтириб кўрсатилган)ёки кирим қилинмаган товарларга 5.028.225,3 минг сўмлик солиқ базасидан 20 фоиз 1.005.645,06 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўллаш тавсия этилгани, бундан ташқари, 2024 йил 22-25 апрель кунлари ўтказилган санокда аниқланган 49 турдаги қўшилган қиймат солиғисиз 3.097.490,4 минг сўмлик товар-моддий бойликлари жойида мавжуд эмаслиги Солиқ кодексига асосан 12 фоиз ставкада 371.698,8 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳамда Солиқ кодексининг 223-моддаси 3-қисми 3-бандига асосан ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги сабабли 20 фоиз миқдорда 619.498,1 минг сўм молиявий жарима суммалари қўшимча ҳисоблаш тавсия этилгани, жамият томонидан солиқ органига 2021 йил учун тақдим этилган ижтимоий солиқ ҳисоботига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар жами 27.547,9 минг сўм, ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари мавжуд бўлмагани, солиқ солинадиган база 27.547,9 минг сўмни ташкил этиб белгиланган 12 фоиз солиқ ставкада 3.305,8 минг сўм ижтимоий солиқ ҳисобланганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2022 йил учун тақдим этилган ижтимоий солиқ ҳисоботига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар жами 25.717,0 минг сўм, ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари мавжуд бўлмагани, солиқ солинадиган база 25.717,0 минг сўмни ташкил этиб белгиланган 12 фоиз солиқ ставкада 3.086,0 минг сўм ижтимоий солиқ ҳисобланганлиги, жамият томонидан



солиқ органига 2023 йил учун тақдим этилган ижтимоий солиқ ҳисоботида кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар жами 112.700,0 минг сўм, ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари мавжуд бўлмагани, солиқ солинадиган база 112.700,0 минг сўмни ташкил этиб, белгиланган 12 фоиз солиқ ставкада 13.524,0 минг сўм ижтимоий солиқ ҳисобланганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2021 йил учун тақдим этилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоботида кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар 27.547,9 минг сўм, солиқ солишдан озод этилган даромадлар мавжуд бўлмагани, солиқ солинадиган база 27.547,9 минг сўмдан ШЖБПҲга 27,5 минг сўм бадал чегирилган ҳолда 12 фоиз миқдорида даромад солиғи 3.278,2 минг сўм ҳисобланганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2022 йил учун тақдим этилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоботида кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар 25.717,0 минг сўм, солиқ солишдан озод этилган даромадлар мавжуд бўлмагани, солиқ солинадиган база 25.717,0 минг сўмдан ШЖБПҲга 25,7 минг сўм бадал чегирилган ҳолда 12 фоиз миқдорида даромад солиғи 3.060,3 минг сўм ҳисобланганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2023 йил учун тақдим этилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоботида кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар 112.000,0 минг сўм, солиқ солишдан озод этилган даромадлар мавжуд бўлмагани, солиқ солинадиган база 112.000,0 минг сўмдан ШЖБПҲга 112,7 минг сўм бадал чегирилган ҳолда 12 фоиз миқдорида даромад солиғи 13.411,3 минг сўм ҳисобланганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2021-2023 йил учун мол-мулк бўйича ноль ҳисобот тақдим этганлиги, ташқи манба ахборот тизими маълумотларида жамиятга тегишли мол-мулк борлиги аниқланмаганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2021-2023 йил учун ер солиғи бўйича ҳисобот тақдим этмаганлигини, ташқи манба ахборот тизими маълумотларида жамиятга тегишли мол-мулк борлиги аниқланмаганлиги, солиқ аудитида фарқ аниқланмаганлиги, жамият томонидан солиқ органига 2021-2023 йил учун сув солиғи бўйича ноль ҳисобот тақдим этганлиги, солиқ аудитида фарқ аниқланмаганлиги, солиқ аудитига жамият томонидан бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари тақдим этилганлиги, ўтказилаётган инвентаризация давомида жамият мансабдор шахслари томонидан текширишга тегишли бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари тақдим этилган ҳамда солиқ органларига мавжуд ички ва ташқи маълумотлар ҳамда жамият томонидан шаклланган электрон ҳисобварақ-фактуралар асосида текширишда қуйидагилар аниқланганлиги, яъни жамият томонидан тақдим этилган товар қолдиғи ҳисоботи ҳамда шаклланган электрон ҳисобварақ-фактуралар асосида жамият томонидан кирим қилинган товарлар ва чиқим қилинган товарлар ўрганилганида, жамият томонидан фаолият даври давомида 418 турдаги қўшилган қиймат солиғисиз 3.097.490,4 минг сўмлик товарлар реализация қилиш жойида омборда мавжуд бўлиши лозимлиги ҳолати бўйича ўрганилганида қуйидагилар аниқланганлиги, яъни ўтказилган саноқ натижасида



49 турдаги қўшилган қиймат солиғисиз 3.097.490,4 минг сўмлик товарлар жойига бориб санокдан ўтказилганида, санок жойида мавжуд эмаслиги аниқланганлиги, Солиқ кодекси талаблари асосида текширишда қўшимча ҳисобланган солиқ ва тўловларни корхонанинг давлат солиқ бошқармасидаги солиқ турлари бўйича шахсий варақаларига киритиб, тўловларни ҳисобга олинган ҳолда, белгиланган тартибда молиявий жарима ва устамалар ҳисобланиб ундириш лозим бўлиши, 2023 йил ҳисобварақ-фактура дастуридан олинган маълумотларга асосан ўтказилган таҳлилда, жамият томонидан 10 турдаги қўшилган қиймат солиғисиз жами 533.040,2 минг сўмлик кирим қилинмаган товарларни сотилганлиги аниқлангани, ушбундан келиб чиқиб, 533.040,2 минг сўмга белгиланган 15 фоиз ставкада 79.956,0 минг сўм фойда солиғи қўшимча ҳисобланиши, 2023 йил ҳисоб-фактура ҳамда баланс солиқ ҳисоботи солиштирилганда учун 5.028.225,3 минг сўмдан 12 фоиз ставкада 603.387,4 минг сўм қўшилган қиймат солиғи қўшимча ҳисобланиши, 2024 йил 22-25 апрель кунлари ўтказилган санокда аниқланган 49 турдаги қўшилган қиймат солиғисиз 3.097.490,4 минг сўмлик товар-моддий бойликлари жойида мавжуд эмаслиги Солиқ кодексига асосан 12 фоиз ставкада 371.698,8 минг сўм қўшилган қиймат солиғи қўшимча ҳисобланиши, текшириш натижасида бюджетга қўшимча ҳисобланган жами 1.054.837,9 минг сўмлик солиқлар қўшимча ҳисобланиши, текширишда жамият томонидан 2022-2023 йилларда кирим қилинмаган товарлар бўйича 2024-йил 23-февралда 2394037-сонли реестр рақамли устав капитали орқали “Баҳоловчи Экспертлар” оилавий корхонасининг 2024-йил 21-февралдаги 02/004-МО-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 5.086.030,0 минг сўмга баҳоланган [REDACTED] га тегишли бўлган товар-моддий бойликлари ҳисобидан шакллантирилганлигини ҳаққонийлиги терговда тасдиқланмаган тақдирда, фойда солиғи бўйича кирим қилинмаган товарлар қайта кўриб чиқиб, фойда солиғи ҳисобланишини, 2021-2023 йилларда солиқ қонунчилиги билан белгилаб берилган нормаларга амал қилинмасдан, 2023 йилги фойда солиғи ҳисоботларида даромадларни қайд қилмасдан, 15 фоиз ставкасида жами 79 млн. 956 минг сўмлик фойда солиғи, 2023 йилда қўшимча қиймат солиғисиз 9 млрд. 469 млн. 580,1 минг сўмлик товарлар реализацияси амалга оширилиб, баланс солиқ ҳисоботининг 180-сатрида 2024 йил 1 январь ҳолатига 4 млрд. 19 млн. 757,27 минг сўмлик қолдиқ товарлар қолганлиги ҳақида ҳисоботлар тузиб келиб, амалда эса 2023 йил якунида 9 млрд. 47 млн. 982,6 минг сўмлик товар қолдиғи мавжуд бўлса-да, 5 млрд. 28 млн. 225,3 минг сўмлик товарлар нақд пулга реализация қилиб, ҳисоб-фактура ва онлайн назорат касса машина чеклари расмийлаштирилмасдан ва ушбу реализацияларни солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан, Солиқ кодексининг 237-238-моддалари талабларига зид равишда солиқ ҳисоботларида 5 млрд. 28 млн. 982,6 минг сўмлик товар ва хизматлар реализациясини камайтириб кўрсатиб, солиқ солиш базасини ширганлиги оқибатида жами 603 млн. 387,4 минг сўмлик қўшилган



қиймат солиғи, 2024 йил 25 апрелда жамиятнинг омборхонасида санокдан ўтказилганида, жами 49 турдаги 3 млрд. 97 млн. 490,4 минг сўмлик юқори ликвидли товар-моддий бойликлар сотилиб, сотувдан тушган пул маблағларини банк муассасасига кирим қилинмасдан, ушбу реализациялар амалга оширилганлиги бўйича ҳисоб-фактура ва онлайн назорат касса машина чеклари расмийлаштирмасдан ва солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан, Солиқ кодексининг 237-238-моддалари талабларига зид равишда солиқ ҳисоботларида 3 млрд. 97 млн. 490,4 минг сўмлик товар ва хизматлар реализациясини кўрсатмасдан, солиқ солиш базасини яшириши натижасида 371 млн. 698,8 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғи тўланмаганлигини маълум қилиб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи []нинг жуда кўп миқдорда солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ва жуда кўп миқдордаги қийматда товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликдаги айби, унинг ўзини айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, фуқаровий даъвогар И.Тилавов ва гувоҳ Б.Жўраевнинг суддаги кўрсатувлари, кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳлар З.Шаропов ва С.Хамдамовнинг кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги 2024 йил 6 декабрь куни “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖга юборилган хабарнома ва унга илова ҳужжатлар, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг 2022-2024 йиллар давомида солиқ органларига молия-хўжалик фаолияти юзасидан топширган солиқ ҳисоботлари, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг жиноят иши юзасидан тайинланган 2021-2023 йилнинг ўтган давридаги молиявий фаолиятда солиқ қонунчилигига риоя этиши юзасидан Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ва вилоят ДСБ ходимлари томонидан ўтказилган 2024 йил 29 апрелдаги текшириш далолатномаси ва унга илова ҳужжатлар, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖга тегишли омборхонадаги товар ва моддий бойликларини санокдан ўтказиш юзасидан ўтказилган кўздан кечириш баённома, “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг “Ипак йўли” АИТ банкининг Навоий филиалидан ва АТБ “Туронбанк” Навоий банк хизматлари марказидан банк сирини ҳисобланган пул маблағлари айланмаси ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини ўзи томонидан бошқарилганлиги бўйича олинган ҳужжатлар каби жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи []нинг жуда кўп миқдорда солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ва жуда кўп миқдордаги қийматда товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судланувчи [] ва унинг ҳимоячиси К.Набиевнинг суддаги, [] томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги боис,



жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди асосида тугатиш ҳақидаги важи билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-қисмида, ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса, жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкинлиги;

ЖКнинг 184-моддаси 5-қисмида, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотувчи ҳолатдан фарқли равишда, у шахс томонидан жиноят содир этилгунга қадар ёки жиноят содир этилгандан сўнг шароитнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, жиноятларни содир қилишда айбдор бўлган шахсни, баъзи ҳолатлар муносабати билан хавфлилик даражаси йўқолган деб ҳисоблашдан иборат бўлади, жиноятни содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги, нафақат унинг объектив яшаш шароитлари, балки жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атвори, шунингдек, унинг намунали хулқи ва хизмати ҳамда ижтимоий мажбуриятларига бўлган муносабатидан ҳам далолат бериши мумкин.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи [REDACTED] солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлиги жинояти ҳақидаги хабарни олган кундан, яъни 2023 йил 6 декабрь кунидан эътиборан 2024 йил 6 январга қадар, яъни 30 кун ичида эмас, балки 2024 йил 7 июнь куни (7 ойдан кейин) солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган.

Бундай ҳолда, судланувчи [REDACTED] ни ЖКнинг 184-моддаси 5-қисмида назарда тутилган асосларда, шунингдек у томонидан содир этилган қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида [REDACTED] ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилган ҳолда жавобгарликдан озод қилиб бўлмайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда, унинг содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлиги ва иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.



Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 7-сонли, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2020 йил 20 декабрдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 37-сонли қарорларининг тушунтиришларига, шунингдек, ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, амал қилиб, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳуқуқий баҳолаб, ЖКнинг 184-моддаси 4-қисмидаги, қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қонун нормасига амал қилиб, иш бўйича моддий зарар мавжуд эмаслигини инобатга олинган ҳолда, унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, шунингдек Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 16-бандидаги, жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозимлиги, бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозимлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда, у айбли деб топилаётган моддалар санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан тайинлашни, жарима жазосининг миқдорини жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдори (340.000 сўм)дан келиб чиққан ҳолда белгилашни;

Навоий вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига етказилган зарарни қоплаш учун топширилган 1.054.838.000 сўм миқдоридаги пулларни Навоий вилоят ДСИнинг тегишли ҳисоб рақамига ўтказишни;

иш бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган ҳужжатлар, яъни “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖ раҳбари [REDACTED] томонидан 980,2 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлиги ҳолатлари тасдиқланган 2023 йил 6 декабрдаги “VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖга юборилган хабарнома ва унга илова ҳужжатлар;



“VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг 2022-2024 йиллар давомида солиқ органларига молия-хўжалик фаолияти юзасидан топширган солиқ ҳисоботлари;

“VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг жиноят иши юзасидан тайинланган 2021-2023 йилнинг ўтган давридаги молиявий фаолиятда солиқ қонунчилигига риоя этиши юзасидан департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ва вилоят ДСБ ходимлари томонидан ўтказилган 2024 йил 29 апрелдаги текшириш далолатномаси ва унга илова ҳужжатлар;

“VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖга тегишли омборхоналарни омборхонадаги товар ва моддий бойликларини санокдан ўтказиш юзасидан ўтказилган кўздан кечириш баённомаси;

“VANG‘OZI BUNYODKOR” МЧЖнинг “Ипак йўли” АИТ банкининг Навоий филиалидан ва АТБ “Туронбанк” Навоий банк хизматлари марказидан банк сири ҳисобланган пул маблағлари айланмаси ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини ўзи томонидан бошқарилганлиги бўйича олинган ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги боис, жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л А Д И :

_____ (_____)
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

_____га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (бир юз) баравари, 34.000.000 (ўттиз тўрт миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

_____га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (бир юз) баравари, 34.000.000 (ўттиз тўрт миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил, базавий ҳисоблаш миқдорининг 120 (бир юз йигирма) баравари, 40.800.000 (қирқ миллион саккиз юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

_____га нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Навоий вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига етказилган зарарни қоплаш учун топширилган 1.054.838.000 (бир миллиард эллик тўрт миллион саккиз юз ўттиз саккиз минг) сўм



миқдоридаги пуллар Навоий вилоят ДСИнинг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Иш бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилган ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланган [REDACTED] ва фуқаровий даъвогарга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шу суд орқали Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Б.Аликулов

